

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

**“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” ФАНИДАН РЕЙТИНГ ТИЗИМИ АСОСИДА
ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

- 5230100- Иқтисодиёт (саноат)
- 5140900-“Касбий таълим” (машинасозлик технологияси ва машинасозлик ишлаб чиқаришни автоматлаштириш),
- 5310500-Автомобилсозлик ва тракторсозлик,
- 5310700- “Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (машинасозлик,) ”
- 5311000- “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” (тармоқлар бўйича),
- 5320200- “Машинасозлик технологияси ва машинасозлик ишлаб чиқаришини автоматлаштириш”,
- 5320100- “Материалшунослик ва янги материаллар технологияси”,
- 5310900- “Технологик машина ва жихозлар”,
- 5310900-“Метрология, стандартлаштириш ва махсулотлар менежменти”
- 5521100- Ер усти транспорт тизимлари
йўналишлари 1-курс талабалари учун

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Андижон машинасозлик институти
Ўқув-услубий Кенгашида кўриб чиқилган ва маъқулланган
Кенгаш раиси _____ доц.Қ.Эрматов
(Ўқув-услубий Кенгашининг _____-сонли баённомаси
« _____ » _____ 2012 й.)

МАЪҚУЛЛАЙМАН

Машинасозлик факультети Кенгашида
Муҳокама қилинган ва тасдиқланган
Кенгаш раиси _____ Т.Алматаев
(Факультет Кенгашининг _____-сонли баённомаси
« _____ » _____ 2012 йил.)

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН

Ўзбекистон тарихи кафедраси
мажлисида муҳокама қилинган ва тавсия этилган

Кафедра мудири _____ М.Каримова
(Кафедра мажлисининг _____-сонли баённомаси
« _____ » _____ 2012йил.)

Такризчилар: 1. Анд ДУ доценти т.ф.н. М.Абдуллаев
2. Анд МИ доценти и.ф.н. Г.Бозорова

Тузувчилар: У.Абдуллаев, Ф.Тайлякова, Д.Ийманова

АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

“Ўзбекистон тарихи” фани бўйича тайёрланган мазкур услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333–сонли буйруғи билан амалга киритилган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом”, 2011 йил 17 сентябрда тасдиқланган “Ўзбекистон тарихи” фани бўйича Намунавий дастур ҳамда АндМИ “Машинасозлик” факультети Кенгашининг 2012 йил **28 августдаги 1-баённомаси** билан тасдиқланган “Ўзбекистон тарихи” фани бўйича Ишчи ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур услубий кўрсатмадан бакалаврият босқичи барча йўналиши 1 курс талабаларининг “Ўзбекистон тарихи” фанидан билимини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланиш тавсия этилади ва у талабаларга мазкур фанни ўзлаштиришда зарурий балларни тўплаш ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Йўналиш ишчи ўқув режасида фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси 116 соат, шу жумладан маъруза машғулотлари 28 соат, амалий машғулотлар 26 соат, мустақил иш 62 соат ҳажмида режалаштирилган.

I. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби

“Ўзбекистон тарихи” фани бўйича талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади:

1) жорий назорат (ЖН) – талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат мазкур фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда маъруза ва амалий машғулотларда қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- мавзулар бўйича олинган билимларни оғзаки сўраш;
- конспектларни текшириш;
- интерфаол шаклларда ишлаш;
- мустақил ишлари бўйича ҳисобот;
- уй вазифаларининг бажарилганлигини текшириш;
- муаммоли вазият (кейс-стади) ларнинг ечими;
- конференция реферат ва бошқа ишлар

Ўзбекистон тарихи фан бўйича ЖН уч марта ўтказилади

2) оралик назорат (ОН) – институт ўқув жараёни графигига биноан ўтказилувчи, мазкур фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган назорат шакли ҳисобланади. “Ўзбекистон тарихи” фани бўйича оралик назоратлар 2012-2013 ўқув йилининг 1-2 семестрининг 12 ва 17 ҳафтасида ўтказилади. Ушбу фан бўйича ОН икки марта ўтказилиши режалаштирилган:

ОН ёзма ва мустақил ишдан иборат бўлади

Оралик назорат саволлари ва топшириқлари ҳар бир янги ўқув йили бошида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан тузилиб, кафедра мажлисида муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Тасдиқланган оралик назорат саволлари олдиндан талабаларга тарқатилади. якуний назорат (ЯН) – семестр якунида муайян фан бўйича назарий ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Мазкур фан бўйича якуний назорат семестр охиридаги икки ҳафта давомида Ўқув – услубий бошқарма томонидан тузилган график асосида фанга ажратилган соатда ва аудиторияда “Ёзма иш” шаклида ўтказилади.

II. Баҳолаш тартиби ва мезонлари

“Ўзбекистон тарихи” фани бўйича талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакалари назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида балларда ифодаланади.

Талаба мазкур фан бўйича йиғиши мумкин бўлган максимал балл – 100 балл бўлиб, у қуйидагича тақсимот қилинади:

- **жорий назорат – 35 балл;**
- **оралик назорат – 35 балл;**
- **якуний назорат – 30 балл.**

Талабанинг семестрда жорий ва оралик назорат турлари бўйича тўпланган баллари ушбу назорат турлари умумий балининг 54 фоизидан кам бўлса, ёки семестр якунида жорий , оралик ва якуний назорат турлари бўйича тўпланган баллари йиғиндиги 55 баллдан кам бўлса у академик қарздор деб ҳисобланади. Академик қарздор талабаларга семестр тугагандан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади.

Талаба жорий ва оралик назорат турлари бўйича 54 ва ундан юқори баллни тўлаган бўлса, у ҳолда талаба фанни ўзлаштирган ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига ҳам йўл қўйилади.

Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўлаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўлаган баллари йиғиндисига тенг.

	ЖБ			ОБ		ЯБ
	ЖБ-1	ЖБ-2	ЖБ-3	ОБ1	ОБ 2	
Максимал балл	10	10	15	20	15	30
	39					
Шакли	Оғзаки сўров	Оғзаки сўров	Мустақил иш	Ёзма	Мустақил иш	Оғзаки сўров

Талабалар билимини баҳолаш мезони

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъол	Хулоса ва қарор қабул қилиш Ижодий фикрлай олиш Мустақил мушоҳада юритиш Амалда қўллай олиш Моҳиятини тушуниш Билиш, айтиб бериш Тасаввурга эга бўлиш
71-85	Яхши	Мустақил мушоҳада юритиш Амалда қўллай олиш Моҳиятини тушуниш Билиш, айтиб бериш Тасаввурга эга бўлиш
55-70	қониқарли	Моҳиятини тушуниш Билиш, айтиб бериш Тасаввурга эга бўлиш
0-54	қониқарсиз	Аниқ тасаввурга эга эмаслик Билмаслик

«Ўзбекистон тарихи» фанидан талабалар билимини баҳолашда рейтинг балларини фанларнинг ўқув соатлари ва баҳолаш турлари бўйича тақсимо

Семестр	Ўқув соати	Баҳолашлар сони			Хар бир баҳолашга берилган энг юқори балл							
					Жорий баҳолаш				Оралиқ баҳолаш			ЯБ
		ЖБ	ОБ	ЯБ	1	2	3	жами	1	2	жами	1
					Оғзаки	Оғзаки	Мус.иш		Ёзма ёки тест	Мус.иш		оғзаки
1-2	116	3	2	1	10	10	15	35	20	15	35	30

Талабалар билимини баҳолаш бўйича рейтинг тизими кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ж.Б. баллари	О.Б. баллари	Якуний баҳолаш
1	Дарсга қатнашганлик даражаси	0-4	0-4	
2	Конспект ва семинар машғулотлар дафтарларнинг тутилиши ва ҳолати	0-5	0-4	
3	Семинар дарсларида оғзаки сўровларга жавоб бериш	0-5	0-6	
4	Ёзма назорат иши коллоквиум ёки тест саволларига берилган жавоб учун	0-4	0-5	
5	Фан бўйича асосий ва қўшимча адабиётларни конспект қилиш	0-4	0-4	
6	Долзарб мавзулар бўйича ижодий иш бажариш	0-5	0-4	
7	Илмий тўғарак ва анжуманларда маъруза билан қатнашиш	0-4	0-4	
8	Слайдлар ва кўргазмали куроллари тайёрлаш	0-4	0-4	
9	Якуний баҳолаш (оғзаки ёки ёзма саволларга жавоб)	-	-	0-30
	Ж А М И:	0-35	0-35	0-30

Жорий назоратдаги баллар тақсимооти (ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича баҳолаш мезонлари):

№	Топшириқлар номланиши	Ҳар бир топшириқ учун	Максимал йиғиш мумкин бўлган балл
1	Мавзулар бўйича оғзаки жавоб бериш фаоллиги	ҳар бир жавоб 0,5 балл	7 балл
2	Конспект ёзиш	ҳар бир текшириш 0,5 балл	7 балл
3	Интерфаол шаклларда ишлаш	ҳар бир машғулотда 0,5 балл	7 балл
4	Мустақил ишларни тайёрлаш	ҳар бир мустақил иш учун 1 балл	7 балл
5	Уй вазифаларини бажариш	ҳар вазифа учун 0,5 балл	7балл
Ж а м и			35 балл

Жорий назоратда талабалар ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидагича тақсимланади:

- а) 31 – 35 балл
- б) 26 – 30 балл
- в) 20 – 25 балл
- г) 0 – 19 балл

Оралик назоратда баллар тақсимои (ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича баҳолаш мезонлари):

ОН ёзма ва мустақил ишдан иборат бўлади.

Оралик назорат турлари	Ўтказиш муддати	Ўзлаштириш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
Оралик назорат (1-ОН)		11 – 14 балл	Талаба тўғри жавоб ёзса ва айрим маълумотларда камчиликлар бўлса
		15 – 17 балл	Талаба саволларгани барчасига тўғри жавоб ёзса
		18 – 20 балл	Талаба саволларгани барчасига тўғри жавоб ёзса ва ўз фикрларини ҳам келтирса
Оралик назорат (2-ОН)		8-10 балл	Мустақил иш мазмуни қониқарли даражада бўлса
		11-13 балл	Мустақил иш мазмуни етарли асосда ёритилган бўлса
		14-15 балл	Мустақил иш мазмуни талабга тўлиқ жавоб бера олса

Якуний назоратда баллар тақсимои (ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича):

ЖН ва ОНга ажратилган умумий баллдан саралаш балини тўплаган талабага якуний назоратда иштирок этиш ҳуқуқи берилади. Якуний

назоратдаги вариантлар ҳар бир талабага такрорланмайдиган, алоҳида тузилиб, ҳар бири 5 та топшириқдан иборат бўлади.

Якуний назоратдаги баҳолаш мезонлари ҳар бир топшириққа максимум 6 баллдан белгиланади.

Талаба:

а) 26 – 30 балл йиғиш учун 5 та топшириқни ҳам бажариши керак.

б) 21 – 25 балл йиғиш учун 4 та топшириқни тўлиқ бажарган 5-топшириқни қисман бажарган бўлиши керак.

в) 17 – 20 балл йиғиш учун 3 топшириқни тўлиқ 4-топшириқни қисман бажарган бўлиши керак.

г) 0 – 16 балл тўплаши учун 2 та топшириқни тўлиқ ва 3-топшириқни қисман бажарган бўлиши лозим.

Ёзма ишларни профессор-ўқитувчилар икки кун давомида текшириб, баҳоларни эълон қилиши ва тегишли ҳужжатларда қайд этиши лозим.

Талаба ЖН ва ОНлардан бирор тури бўйича ўз вақтида узрли сабабларга кўра балл тўплай олмаса, қайта ўзлаштириш учун кейинги шу назорат туригача бўлган муддат берилади.

Академик қарздор талабаларга қайта ўзлаштириши учун семестр тугаганидан кейин бир ой муҳлат берилади. Кафедранинг тегишли профессор-ўқитувчиларига қарздор талабалар билан ишлаш вазифаси юклатилиб, у махсус жадвал асосида амалга оширилади.